



ТУРИЗМ СТАТИСТИКАСИ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Жуманова Зилола Тўйчиевна
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти таянч докторанти
Тошкент, Ўзбекистон

ANALYSIS OF INTERNATIONAL STANDARDS AND PRACTICES IN TOURISM STATISTICS

Jumanova Zilola Tuychievna

doctoral student of the Institute of Statistical Research

and Personnel training

Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: M4, M42

Аннотация: Мақолада туризм ҳисобини олиб бориши бўйича халқаро стандартлар, хусусан туризм ёрдамчи ҳисоби таҳлил қилинганд. Маълумки, туризм ёрдамчи ҳисоби 1993 йил ҳамда 2008 йилларда қабул қилинганд. Мақолада мазкур икки йилда қабул қилинганд туризм ёрдамчи ҳисобининг ўзаро фарқли жиҳатлари кенг ёритилган. Европа давлатлари Франция, Польша давлатдаридаги туризм ёрдамчи ҳисобларини олиб бориши, ўзига хос хусусиятлари батифсил ўрганилинганд. Мақоланинг асосий

мақсади Ўзбекистонда ҳам туризм ёрдамчи ҳисобларидан фойдаланишини йўлга қўйиш учун зарурӣ кўнижмаларни шаклантиришидан иборат. Тури ёрдамчи ҳисоблари (TCA) дан тузилмавий маълумотлардан фойдаланадиган моделга асосланган макроиктисодий баҳолашда ушибу мақола мавжуд бўлган янги таҳлилий имкониятларни намоён этади. ТСАлар тизими туристик маҳсулотга хос жиҳатларни тақлиф қиласиди. Туризм статистикасини ҳисобини олиб



бориши бўйича, халқаро тажрибалар турлича ва кўплаб стандартлар мавжуд. Улар тавсия характерига эга. Лекин, уйбу тавсиялар кўпчилик давлатларда миллий хусусиятларни ҳисобга олмаган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида эса юқорида келтирилган ва таҳлил қилинган стандартлар деярли қўлланилмайди. Шу муносабат билан мақолада Ўзбекистонда халқаро тажриба ва стандартларига таянган ҳолда туризм статистик ҳисобини олиб бориши бўйича тадқиқотлар олиб борилади.

Annotation: The article analyzes the international standards for conducting tourism accounting, in particular the auxiliary tourism accounting. It is known that the tourism support account was adopted in 1993 and 2008. In the article, the different aspects of the tourism auxiliary account adopted in these two years are widely covered. The peculiarities of conducting tourism auxiliary accounts in the European countries France and Poland have

been studied in detail. The main goal of the article is to form the necessary skills to establish the use of tourism auxiliary accounts in Uzbekistan. This paper demonstrates the new analytical possibilities available in model-based macroeconomic evaluations that use structural information from Type Auxiliary Accounts (TSA). The system of TSAs offers specific aspects of the tourism product. There are different international practices and many standards for the accounting of tourism statistics. They have a recommendation character. However, these recommendations are being applied in most countries without taking national characteristics into account. In the Republic of Uzbekistan, the above-mentioned and analyzed standards are practically not used. In this regard, in the article, research is carried out on conducting statistics of tourism in Uzbekistan based on international experience and standards.

Аннотация: В статье анализируются международные стандарты ведения туристического учета, в



частности вспомогательного туристического учета. Известно, что счет поддержки туризма был принят в 1993 и 2008 годах. В статье широко освещаются различные аспекты вспомогательного учета туризма, принятые за эти два года. Подробно изучены особенности ведения вспомогательных счетов туризма в европейских странах Франции и Польше. Основная цель статьи - сформировать необходимые навыки для налаживания использования вспомогательных счетов туризма в Узбекистане. В этом документе демонстрируются новые аналитические возможности, доступные в макроэкономических оценках на основе моделей, в которых используется структурная информация из типовых вспомогательных счетов (TSA). Система ВСТ предлагает конкретные аспекты туристического продукта. Существуют различные международные практики и множество стандартов учета

статистики туризма. Они носят рекомендательный характер. Однако эти рекомендации применяются в большинстве стран без учета национальных особенностей. В Республике Узбекистан вышеуказанные и анализируемые стандарты практически не применяются. В связи с этим в статье проводится исследование по ведению статистики туризма в Узбекистане на основе международного опыта и стандартов.

Калит сўзлар: туризм, туризм ёрдамчи ҳисоби, асосий статистик кўрсаткичлар, ташриф буюрувчилик тоифалари ички туризм истеъмоли, чиқишига оид туризм қўшилган қиймат ҳисоби, мамлакат ичидағи туризм бўйича таклиф ва истеъмол, туризм тармоқларида бандлик.

Ключевые слова: туризм, вспомогательный учет туризма, основные статистические показатели, категории посетителей, потребление внутреннего туризма, учет добавленной стоимости



выездного туризма, предложение и потребление внутреннего туризма, занятость в отраслях туризма.

Key words: tourism, tourism auxiliary accounting, basic statistical indicators, visitor categories domestic tourism consumption, outbound tourism value added accounting, domestic tourism supply and consumption, employment in tourism industries.

Кириш XX асрнинг охирига келиб туризм соҳасида статистик кўрсаткичларни барча мамлакатларда халқаро стандартлар асосида аниқлаш зарурияти пайдо бўлди. Республикаизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган бир неча қарор ва фармонларда хам айнан туризм статистикасини халқаро асосида зарурлиги таъкидланмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 5-январда қабул қилинган ПФ-5611-сонли «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар

тўғрисида»даги Президент фармонида туризм статистикаси кўрсаткичлар халқаро методологияга мувофиқ шакллантирилиши ва доимий тарзда эълон қилиниб борилиши таъкидланган. Ҳозирда барча давлатларда туризм соҳасига бўлган эътибор ортмоқда. Туризм юқори даромадликга эга бўлган соҳалардан бири бўлиб, унинг ривожланиши аҳоли бандлигини ва иқтисодиётнинг диверсификациясини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарор ва фармонларида туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши билан юртимизга ушбу соҳанинг улкан салоҳиятини рўёбга чиқиши ва жадал ривожланиш йўлига ўтиши учун мустаҳкам асос яратилди[1].

Ана шундай объектив жараёнда туризм соҳасининг инновацион ривожланишини таъминловчи омилларни ўрганиш иқтисодиётнинг янги ва мураккаб тадқиқот предмети сифатида намоён бўлмоқда. Чуқурлашиб



бораётган глобаллашув жараёнлари, жаҳон сиёсий ва иқтисодий ҳаётида рўй берадиган барча оммавий воқеа ва ёзгаришлар туризм олдига бир қатор муаммо ва вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун туризмнинг инновацион ривожланишини статистик ёндашув орқали ҳам таҳлил қилиш, баҳолаш ва инновацион ривожланиш омилларини қамраб олган назарий – услугбий асосларини ишлаб чиқиш мухим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризм соҳаси, унинг назарий асослари ва ривожланиши иқтисодий адабиётларда Т.Ташмурадов, А.Сайдов, И.С.Тухлиев, С.Сафаров, Ким Ок Кьюнг, Н.М.Абдусаломовна, С.Агзамовларлар томонидан чуқур ўрганилган. Туризм турлари, туристик жойлаштириш масканлари, туризм хизматлари ва маҳсулотлари таҳлил қилинган.

Туризмни инновацион ривожланишини статистик ёндашув асосида ҳам таҳлил қилиши

мумкин. Статистиканинг ўрганиш обьекти инсоният ҳаётида рўй берадиган барча оммавий воқеа ва ёдисалардир[2]. Туризм соҳаси ҳам ҳозирда оммавий воқеа ёдисалар қаторига киради, демак туризм соҳаси статистикага ўрганиш обьекти бўлиши мумкин. Туризм статистикаси туризм кўрсаткичларини ҳисоблашни ўрганиб, кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилларни ва уларнинг ўзгариш динамикасини таҳлил қиласди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мавзуни ёритиб беришда таҳлил, синтез, индукция, дедукция, моделлаштириш, эксперимент, тизимли ва комплексли ёндашув усуllibаридан фойдаланилди.

Тадқиқот. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жаҳонда туризм статистик ҳисобини олиб бориш бўйича бир қанча тажрибалар ўрганилди. Масалан, 1990 йилда БМТ Статистика бошқармаси томонидан Канадада бўлиб бўлиб ўтган конференцияда



халқаро тажриба ўрганилди. Икки йиллик муҳокамадан сўнг илк бор туризм статистик кўрсаткичлари бўйича «Туризм статистикаси бўйича тавсиялар - 1993» қабул қилинди. Ушбу хужжатда туризм соҳасидаги тушунчалар, кўрсаткичлар баён этилиб, уларнинг шаклланиш жараёни тасвирланди ва кейинчалик ТЁҲ қабул қилишда ҳам асос вазифасини бажарди (2-илова).

Ушбу тавсиялар чоп этилгандан сўнг БТТ туризм ривожланган давлатлар статистик органлари билан амалий ва назарий масалаларини муҳокама қилди. Масалан, 1995 йилда Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, Яқин Шарқ давлатлари, 1996 йилда Россия федерацияси ҳамда Тинч океани ва Жанубий Осиё давлатлари, 1997 йилда эса Африка ва Америка қитъаси давлатларида кўмаклашиш ва ёрдамлашиш тадбирлари ўтказилди.

1993 йилдаги туризм статистик тавсияларга замон

талабларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги янги тушунчалар киритилди¹:

1. Туристик ташриф ва сафар;
2. Туристик гурух;
3. Даля ҳовлида яшаш чегараси;
4. Сафар мақсади;
5. Туризмда бандлик;
6. Туризм ва давлатларнинг барқарор ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик.

Ушбу хужжатда юқоридаги келтирилган тушунчаларнинг таърифи ҳамда ҳисоблаш услубияти батафсил ёритилган. Кўпчилик давлатларда туризм ривожланиши билан 1993 йилда қабул қилинган тавсиялар XXI асрни бошларига келиб эскирганлиги ва замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги кўрина бошлади. Шу муносабат билан, 2008 йилда БМТ, БТТ, Евростат ва бошқалар ҳамкорлигига туризм статистикаси бўйича халқаро стандарт яратилди. Иккала хужжатни ҳар томонлама

¹ “Международные рекомендации по статистике туризма, 2008 год” Мадрид и Нью-Йорк, 2010 год, 28 ст.



таҳлили шуни кўрсатадики, 2008 йилда қабул қилинган стандарт анча такомиллашган ва 1993 йилдаги хужжатга нисбатан ижобий фарқларга эга. Бизни фикримизча,

2008 йилдаги халқаро туризм статистик тавсиялар 1993 йилдаги хужжатга нисбатан куйидаги фарқларга эга(1.3-жадвал).

1.3-жадвал

Туризм статистикаси тавсиялар-1993 ва Халқаро туризм статистикаси тавсиялар-2008 орасидаги асосий фарқлар²

№	Тушунчалар	Туризм статистикаси тавсиялар 1993	Халқаро туризм статистикаси тавсиялар 2008
1	Туристик ташриф ва сафар тушунчалари	Туристик ташриф ва сафар тушунчалари мавжуд эмас	Туристик ташриф сафардан кўра торроқ маънони бериб, сафар давомида бирор худудда тўхташ, бир кунлик саёхатлар ҳам туристик ташрифга киритилди.
2	Туристик гурӯҳ	Туристик гурӯҳ тушунчаси мавжуд эмас	Баъзан туристлар гурӯҳ бўйича саёҳат қилиб, бунда харажатлар бир киши томонидан амалга оширилса уларни ҳисоблашда гурӯҳ аъзоларига ҳам teng бўлинади.
3	Дала ҳовли тушунчаси	Бундай тушунча мавжуд эмас	Дала ҳовли одатий муҳитдан чиқарилган.
4	Сафар мақсадлари	Олтига сафар мақсади мавжуд	Аввал сафар мақсади иккига бўлинниб сўнгра яана гурӯҳга бўлинди.
5	Туризм соҳасида бандлик	Туризм соҳасида бандлик тушунчаси мавжуд эмас	Туризм соҳасида бандлик бўйича алоҳида боб мавжуд
6	Туризм ва барқарор ривожланиш	Туризм ва барқарор ривожланиш мавжуд эмас	Туризм ва барқарор ривожланиш бўйича аниқ боб мавжуд

«Туризм статистикаси -1993» факатгина туризм соҳасидаги кўрсаткичларни шаклланиши, танланма ўтказилиниши, сўровнома ишлаб чиқилиши каби тафсияларни

камраб олган бўлиб, унда туризмнинг агрегат ва интеграл кўрсаткичларини, туризмнинг иқтисодиётдаги ўрнини, макроиқтисодий кўрсаткичлар,

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



хусусан, Миллий ҳисоблар тизими доирасидаги күрсаткичлар билан боғлиқлигини ифодалаб олиш изоҳланмаган.

1993 йилда қабул қилинган тавсияларни маҳаллийлаштириш мақсадида, улар асосида Европа Иттифоқи туризм статистикаси ўз методини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Буни устига 1993 йилдаги тавсиялар асосида БТТ Туризм Ёрдамчи ҳисоблари методологиясини ишлаб чиқиб, БМТга тавсия этади. БМТ ушбу тавсияларни ўрганиб БТТ ва Евростат ҳамкорлигига 2000 йилда ТЁХ методологиясини ишлаб чиқди ва уни қўллаш учун барча мамлакатларга тарқатди.

Туризм ёрдамчи ҳисоби бу миллий ҳисоблар тизими доирасида туризмнинг иқтисодиётга

кўшадиган ҳиссасини аниқлаш ва ўлчашга имкон берадиган воситадир, шу билан бирга уни бошқа иқтисодий соҳалар билан таққослаш имкониятини беради. Туризм ёрдамчи ҳисоби – бу бошқа макроиктисодий тизимлар билан, хусусан, тўлов баланси ва миллий ҳисоблар тизими муносабатларини яратища фойдаланиладиган макроиктисодий бухгалтерия воситасидир.

Жаҳонда рўй берәётган социал-иктисодий ўзгаришларни ҳисобга олиш мақсадида 2000 йилда қабул қилинган халқаро стандартлар халқаро ташкилотларда такомиллаштирилди ва 2008 йилда БМТ ташкилотлари томонидан янги халқаро стандартлар қабул қилинди(1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Туризм ёрдамчи ҳисоби 2000 ва 2008 йиллар орасидаги асосий фарқлар³

№	Тушунчалар	Туризм ёрдамчи ҳисоби 2000	Туризм ёрдамчи ҳисоби 2008
1	Туристик харажатлар ва истеъмол	Туристик харажатлар	Туристик харажатлар ва туристик истеъмол
2	Туристик маҳсулотлар	Барча давлатлар учун бир хил	Ҳар бир давлат учун турлича

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



3	Конференция хизмати	-	Конференциялар хизмати
4	Туризмда бандлик	Туристик корхоналарда ишловчилар сони	Туристик корхоналарда ишловчилар ва мавсумий ишловчилар сони
5	Туризм соҳасидаги капитал	Туристик ташкилотлардаги капитали	Туризм соҳасидаги капитал

1.4-жадвалда келтирилган конференция хизмати атамаси таққослама маълумотларни киритилди. Тўртинчидан, маълумотларни киритилди. Тўртинчидан, туризмдаги бандлар сонига туризм корхоналарда ишловчилар билан бир қаторда туризм билан мавсумий банд бўлган ишловчилар ҳам киритилди бўлди ва охиргиси туризм соҳасидаги капитални ҳисоблаш методологияси ўзгартирилди, яъни туризм соҳасидаги капитал деганда фақат туризм ташкилотларни капитали эмас, балки туризм соҳасидаги капиталнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш тавсия этилди. Бу ҳолатни ўзи мамлакат иқтисодиётида туризмни ўрнини тўғри ва аниқ белгилашга асос бўлди.

ТЁХ танланма статистик кузатув ҳамда расмий маълумотлар асосида тузилади ва 10 та жадвалдан иборат:

1-жадвал, маҳсулот турлари ва ташриф буюрувчилар тоифалари

Учинчидан, янги ҳужжатда

1.4-жадвалда келтирилган конференция хизмати атамаси таққослама маълумотларни киритилди. Тўртинчидан, маълумотларни киритилди. Тўртинчидан, туризмдаги бандлар сонига туризм корхоналарда ишловчилар билан бир қаторда туризм билан мавсумий банд бўлган ишловчилар ҳам киритилди бўлди ва охиргиси туризм соҳасидаги капитални ҳисоблаш методологияси ўзгартирилди, яъни туризм соҳасидаги капитал деганда фақат туризм ташкилотларни капитали эмас, балки туризм соҳасидаги капиталнинг умумий ҳажмини ҳисоблаш тавсия этилди. Бу ҳолатни ўзи мамлакат иқтисодиётида туризмни ўрнини тўғри ва аниқ белгилашга асос бўлди.

ТЁХ танланма статистик кузатув ҳамда расмий маълумотлар асосида тузилади ва 10 та жадвалдан иборат:

1-жадвал, маҳсулот турлари ва ташриф буюрувчилар тоифалари

Учинчидан, янги ҳужжатда



кесимида киришга оид туризм
истеъмоли;

2-жадвал, маҳсулотлар турлари кесимида ҳамда ташриф буюрувчилар тоифалари ва ташриф кўриниши бўйича ички туризм иsteъмоли;

3-жадвал, маҳсулот турлари ва ташриф буюрувчилар тоифалари кесимида чиқишга оид туризм иsteъмоли;

4-жадвал, маҳсулот турлари ва ташриф буюрувчилар тоифалари кесимида мамлакат ичидағи туризм иsteъмоли;

5-жадвал, туризм тармоқларида ва бошқа тармоқларда ялпи ишлаб чиқариш, оралиқ иsteъмол ва қўшилган қиймат ҳисоби;

6-жадвал, маҳсулотлар кесимида мамлакат ичидағи туризм бўйича таклиф ва иsteъмол;


7-жадвал, туризм тармоқларида бандлик;

8-жадвал, туризм тармоқларда ва бошқа тармоқларда туризмга тегишли асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши;

9-жадвал, маҳсулот турлари кесимида ва давлат бошқарув органлари даражасида жамоавий туризм иsteъмоли;

10-жадвал, қийматга эга бўлмаган кўрсаткичлар.

ТЁҲ жадваллари туризм кўрсаткичларини аниқ ҳисоблаш имконияти бериши билан бир қаторда улар ўзаро узвий боғлиқ ҳамдир. ТЁҲ жадвалларининг ўзаро алоқадорлиги C.D.Frechting фикрига кўра қўйидаги кўринишга эга(1.4-расм).



1.4-расм. Туризм ёрдамчи ҳисоби жадвалларининг ўзаро боғлиқлиги⁴

1.4 расмда келтирилган 4-жадвал (маҳсулот турлари ва ташриф буюрувчилар тоифалари кесимида мамлакат ичидағи туризм истеъмоли) билан туризм соҳасидаги бошқа ишлаб чиқаришлар ўртасидаги бевосита алоқа мавжудлигига, 5-жадвал (туризм тармоқларида ва бошқа тармоқларда ялпи ишлаб чиқарыш, оралиқ истеъмол ва қўшилган қиймат ҳисоби) билан туризмда бандлик орасидаги алоқадорликни йўқлигига ишончимиз комил эмас. Бундан ташқари бошқа ишлаб

чиқаришлар деганда нима назарда тутилганлиги C.D.Frechting мақоласида ёритилмаган.

БМТ, БТТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг туризм статистикасини ташкил этиш ва ТЁХ олиб бориш бўйича кўпчилик давлатлар ўз тажрибасига ва йўлига эга. Масалан, Грекия давлатини олсак, унда ТЁХ ўнта жадвалдан тўрттаси тўлдирилади. Грекия давлати туризм тушумлари ва харажати маълумотларини аниқлаш мақсадида танланма кузатувдан ташқари тўлов балансидан ҳам

⁴ C.D.Frechting Tourism satelite account//Annals of Tourism Research, Vol. 37, No. 1, 2010. 136–153 pp.



фойдаланади, яъни Греция Марказий банки маълумотлари асосида кирувчи ва чиқувчи туристлар томонидан валюта айирбошлаш шахобчалари ва пластик карталари орқали амалга оширилган тўлов маълумотларидан ишлатилади. Бу методни ҳозирда Грециядан ташқари яна кўплаб давлатлар ҳам қўллайди. Ушбу методни юқори устунликлари бўлишига қарамасдан уни қора бозор мавжуд бўлган давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда, қўллаш тўпланган маълумотларни ишончсизлигини пасайтиради.

Франция давлати ҳам туризм ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Франция давлатида туризм статистикаси бўйича Франция статистика қўмитаси, Туризм қўмитаси ва Миллий банки шуғулланади. Франциянинг барча чегара пост жойларида йилда бир маротаба танланма кузатув асосида маълумотлар тўпланади. Танланма кузатув методидан ташқари Франция Миллий банки ҳам ўз навбатида экспорт ва импорт кўрсаткичларини аниқлашда

статистикасига ёрдамлашади, яъни барча турситлар томонидан амалга оширилган пластик карталари орқали тўловлар тўғрисида маълумотлар эълон қилинади.

Польшада туризм статистикаси бўйича Польша Марказий статистика(МСБ) бошқармаси шуғулланади. Польша Марказий Статистика бошқармаси ўз навбатида Евростат, БМТ, ЖТТ тавсияларига риоя қилиб ўз фаолиятини амалга оширади.

Ҳозирда Польша МСБ туризм институти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда туризм статистик кўрсаткичларини такомиллаштиришни амалга ошироқда:

-ҳар ойлик жойлашув жойларини маълумотларини чоп этиш;

-туристлар оқими, экспорт ва импорт кўрсаткичлари бўйича йилда 6 марта танланма амалга оширилади;

-ҳар уч йилда бир марта Польша давлати ички туризм тўғрисида маълумотларни жамлаш



мақсадида уй хўжаликларидан танланма кузатув ўтказилади.

Хуноса.

Туризм статистикасини ҳисобини олиб бориш бўйича, халқаро тажрибалар турлича ва кўплаб стандартлар мавжуд. Улар тавсия характерига эга. Лекин, ушбу тавсиялар кўпчилик давлатларда миллий хусусиятларни ҳисобга олмаган ҳолда қўлланилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида эса юқорида келтирилган ва таҳлил қилинган стандартлар деярли қўлланилмайди. Шу муносабат билан мақолада Ўзбекистонда халқаро тажриба ва стандартларига таянган ҳолда туризм статистик ҳисобини олиб бориш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Биринчидан, туризм кўрсактчиларини шакллантришиш услугияти бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро ташкилотлар тавсияларини

урганиш, илмий – амалий ёндашувларни умумлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси туризм статистикаси амалиётида фойдаланиш учун туризм кўрсаткичлар услубини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, туризм асосий кўрсаткичлари бўйича кузатув маълумотларнинг ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган статистика ҳисботлари маълумотларининг шакллантирилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш зарур.

Учинчидан, туризм асосий кўсаткичларини йиллик ва чораклик даврийликда шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши мақсадга муовиқ.

Тўртинчидан, туризм кўрсаткичлари ишончлилиги ва сифатини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мувофиқлигини таъминлаш борасида тизимли тадқиқотлар олиб бориш мақсадга муовофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар



1. Вспомогательный счет туризма: рекомендуемая методологическая основа, 2008 год, ISBN 098-92-1461023-6, -Нью Йорк, БМТ, БТТ, Евростат. 2010. Ст.10

2. Measuring the social dimension of the sustainability of tourism – Findings of the MST sub-group on the social dimension Cesare Costantino, Consultant, UNWTO, Committee on Statistics, Nineteenth meeting, Madrid, 26-27 February 2019

3. «Международные рекомендации по статистике туризма, 2008 год» - Мадрид и Нью-Йорк:ООН, 2010 год.- 140 ст.

4. Александрова А.Ю. Статистика туризма– М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 464 с.

5. Международные рекомендации по статистике туризма, 2008 год Руководство по составлению статистики Мадрид и Нью-Йорк: ООН. 2016.- 160 ст

6. Матяш С.А., Бритвина В. В. Конюхова Г. П., Конюхов В. Г., Седенков С.Е. Основы туристской деятельности и математическая статистика в индустрии туризма: Учебное пособие. – М.: Изд-во «Союз», 2016. - 174 с.

7. Sharpley, R. (2005) Tourism, Tourists and Society. Cambridgeshire: ELM

8. Ташмурадов Т. Экономика международная туризма. – Ташкент, 1994.

5 бет

9. Сайдов А.Ф. Ўзбекистонда туризм. Истиқбол ва муаммолар, - Тошкент, 1992, 12 бет

10. Сайдов А.Ф. Туризм в Узбекистане: экономические, социальные и организационные аспекты, -М.: Институт туризма, 1991

11. Hsiao C. Analysis of Panel Data. _ Cambridge University Press, 1986.

12. Wooldridge J. M. Econometric Analysis of Cross Section and Panel Data, _ MIT Press, 2002. (Ch. 10.)

13. Wooldridge J. M. Introductory Econometrics: A Modern Approach, 2 ed., South-Western College Pub., 2002. (Ch. 13, 14.)



14. Blakely E. Planning Local Economic Development: Theory and Practice. SAGE Publications. 1994.
41. Greene W. H. Econometric Analysis. _Prentice-Hall, 2000. (Ch. 14.).
15. И.С.Тухлиев, Р.Хайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсунова Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 332
16. A.X. Pardayev, A.N.Norchaev. Xalqaro turizm. -Darslik. – Т.: TDIU, 2010 y -260 b.